



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » iyul

№ 465

Toshkent sh.

Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон ҳамда “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсикларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 мартағи ПФ–6191-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтириш) рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

2021 йил 1 октябрдан бошлиб автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтириш)га рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади;

хизмат енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш белул амалга ошириладиган давлат органларига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорида белгиланган тартибда берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар:

автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтириш) рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш жараёнининг автоматлаштирилишини;

автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтириш) рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот тизимларининг ўзаро интеграция қилинишини;

ЯИДХПда фойдаланувчининг шахсий кабинетида шу фойдаланувчига тегишли бўлган автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда жойлаштирилиши ва реал вақт режимида янгиланиб борилишини;

давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўланган тўловлар Давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими (кейинги ўринларда – Ягона биллинг тизими) орқали электрон тарзда амалга оширилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорига мувофиқ M1, N1 ва N2 тоифага оид автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун қуидаги тўлов ставкалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

орқа ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун – базавий ҳисоблаш микдорининг беш баравари микдорини, юридик шахслар учун – базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун – базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма баравари микдорини;

орқа ва олд ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун – базавий ҳисоблаш микдорининг эллик баравари микдорини, юридик шахслар учун – базавий ҳисоблаш микдорининг эллик баравари микдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун – базавий ҳисоблаш микдорининг саксон баравари микдорини ташкил этади;

M2, M3 тоифага оид III класс автотранспорт воситалари ён ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари уларнинг эгалари ҳуқуқий ҳолати инобатга олинган ҳолда, ушбу банднинг учинчи хатбошига мувофиқ белгиланади.

5. Белгилаб қўйилсинки, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) оид давлат хизмати учун йиғимлар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда, Вазирлар Маҳкамасининг “Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорида кўрсатилган микдорларнинг 90 фоизи тўланади.

Бунда ушбу тўловлар суммаси қуйидагича тақсимланади:

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

88,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига ўtkазилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматини кўрсатиш бўйича маъмурий регламент талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазолар қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlari қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 июлдаги 465-сон қарорига
1-илова

**Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини
ўзгартиришга (қорайтириш) рухсатнома бериш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати;

рухсатнома – ариза берувчига ваколатли орган томонидан QR-код
(матрик штрихли код) қўйилган ҳужжат шаклида бериладиган автотранспорт
воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома;

ЯИДХП – Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат
хизматлари портали.

3. Давлат хизмати ваколатли орган томонидан “Автомотранспорт”
автоматлаштирилган ахборот тизимидан (кейинги ўринларда – Тизим)
фойдаланган ҳолда ҳамда ЯИДХП орқали кўрсатилади.

4. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш
(қорайтириш) ишлари рухсатнома ва тасдиқланган давлат стандартига
мувофиқ автотранспорт воситаси эгаси томонидан мустақил равишда амалга
оширилади.

5. Автотранспорт воситаси орқа ойнасининг тусини ёруғлик
ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш), шунингдек,
олд ойнасининг тепа қисми тусини 14 см дан кўп бўлмаган полоса шаклида
ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш)
учун рухсатнома талаб этилмайди.

6. Рухсатнома бир йил муддатга берилади.

7. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига
мувофиқ автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга

(қорайтиришга) оид давлат хизмати учун йигимлар давлат хизмати **ЯИДХП** орқали кўрсатилганда, Вазирлар Маҳкамасининг “Туси ўзгаририлган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорида белгиланган миқдорларнинг 90 фоизи тўланади.

Бунда ушбу тўловлар суммаси куйидагича тақсимланади:

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

88,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига ўtkазилади.

8. Давлат хизмати **ЯИДХП** орқали мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схема асосида кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматини **ЯИДХП орқали кўрсатиш тартиби**

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун **ЯИДХП**да рўйхатдан ўтади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

10. Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равища текширилади.

Сўровномада хато маълумотлар кўрсатилган тақдирда, сўровнома автоматик равища рад этилади ва бу ҳақда ариза берувчига онлайн режимда автоматик тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

11. Тизим орқали сўровномага киритилган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқлангач, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорига мувофиқ рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари асосида электрон тўлов варагаси (инвойс) шакллантирилади.

12. Ариза берувчи томонидан рухсатнома учун тўлов 10 кун муддатда амалга оширилади.

13. Тўлов белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда (тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда) ва/ёки сўровномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, сўровнома автоматик равища рад этилади ҳамда бу ҳақда ариза берувчига онлайн режимда автоматик тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

Бошқа асосларга кўра рухсатнома бериш рад этилишига йўл кўйилмайди.

14. Ваколатли орган ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилгач, икки соат давомида автоматик равишда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади.

15. Ариза берувчи рухсатноманинг амал қилиш муддатидан қатъи назар, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналардан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, амалга оширилган тўлов қайтарилилади.

16. Рухсатнома ушбу Регламентга З-иловада назарда тутилган намунавий шаклда тақдим этилади.

17. Тизимга автотранспорт воситасини ҳисобга олиш (электрон) маълумотларига автоматик тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилади (рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати).

З-боб. Рухсатномани ЯИДХП орқали қайта расмийлаштириш тартиби

18. Рухсатнома куйидаги ҳолатларда ЯИДХП орқали қайта расмийлаштирилади:

автотранспорт воситасини ҳисобга олиш маълумотларига ўзгартириш киритилганда (қайта жиҳозлаш, давлат рақам белгиси ва рўйхатга олиш гувоҳномаси ўзгартирилганда);

автотранспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда;

эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганда (жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг жойлашган жойи (почта манзили) ёки номланиши ўзгартирилганда) қайта расмийлаштирилади.

19. Рухсатнома аввал берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатигача қайта расмийлаштирилади.

20. Автотранспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда янги мулкдор ихтиёрига мувофиқ аввалги рухсатноманинг қолган амал қилиш муддатига кўшимча тўловларсиз қайта расмийлаштирилади.

21. Рухсатнома ЯИДХП орқали куйидаги тартибда қайта расмийлаштирилади:

ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради;

сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишида текширилади;

сўровномада хато маълумотлар кўрсатилган тақдирда, сўровнома автоматик равишида рад этилади ва бу ҳақда ариза берувчига онлайн тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади;

ваколатли орган икки соат давомида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган, қайта расмийлаштирилган рухсатномани ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади;

ариза берувчининг рухсатномани қўшимча тўлов эвазига рухсатноманинг бошқа турига ўтказишига йўл қўйилмайди.

Тизимга автотранспорт воситасини ҳисобга олиш (электрон) маълумотларига (рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати) автоматик тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

22. ЯИДХП орқали рухсатномани қайта расмийлаштириш бўйича давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Якунловчи қоидалар

23. Давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда рухсатноманинг амал қилиш муддати тугашидан 15 кун олдин бу ҳақда ариза берувчига Тизим томонидан электрон шаклда хабар юборилади.

24. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари автотранспорт воситасининг ойналари туси ўзгартирилганлиги тўғрисидаги рухсатномани Тизим орқали мустакил текширади.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

26. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

27. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришишга (қорайтиришишга) рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурӣ регламентига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришишга (қорайтиришишга) рухсатнома бериш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none">Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришишга (қорайтиришишга) рухсатнома олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришишга (қорайтиришишга) рухсатнома бериш бўйича сўровномани тўлдириш ва юбориш.	Мурожаат қилинган вақтда
2-босқич	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати “Автомототранспорт” автоматлаштирилган ахборот тизими	<ol style="list-style-type: none">Сўровномага киритилган маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш.Сўровномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёки тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда, сўровномани рад этиш.	Автоматик равишда
3-босқич	Давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими	Сўровномага киритилган маълумотларнинг тўлиқ ва тўғрилиги тасдиқлангач, электрон тўлов варакаси (инвойс)ни шакллантириш.	Автоматик равишда
4-босқич	Ариза берувчи	Рухсатнома учун тўловни амалга ошириш.	10 кун мобайнida
5-босқич	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати “Автомототранспорт” автоматлаштирилган ахборот тизими	<ol style="list-style-type: none">QR код (матрик штрихи код) қўйилган рухсатномани автоматик равишда расмийлаштириш ҳамда уни ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юбориш.Автотранспорт воситасини ҳисобга олиш электрон маълумотларига тегишли ўзгаришишлар киритиши.	Тўлов тўлиқ амалга оширилган вақтдан сўнг 2 соат давомида

Автотранспорт воситалари ойналарининг
тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома
бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурӣ регламентига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали
орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга
(қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича
СЎРОВНОМА

I. Жисмоний шахс тўғрисида маълумот	
1. Ф.И.О:	
2. Туғилган жойи ва санаси:	
3. Паспорт (ID-карта) маълумотлари (серияси ва рақами):	
4. Доимий яшаш манзили:	
5. ЖШШИР:	
6. Телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса):	
II. Юридик шахс тўғрисида маълумот	
1. Юридик шахс номи:	
2. СТИР:	
3. Жойлашган жойи (почта манзили):	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса):	
III. Автомотранспорт воситаси ҳақида маълумот	
1. Автомотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами:	
2. Давлат рақами белгиси рақами:	
3. Абвал берилган рухсатноманинг серияси ва рақами (рухсатнома қайта расмийлаштирилганда):	
Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш):	Орқа ён ойналарни қорайтириш бўйича
	Орқа ва олд ён ойналарни қорайтириш бўйича
Сўровнома тўлдириш сабаби:	Янги рухсатнома олиш
	Рухсатномани қайта расмийлаштириш

Автотранспорт воситалари ойналарининг
тусини ўзгаришига (қорайтиришига) рухсатнома
бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурӣ регламентига
3-илова

Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришига
(қорайтиришига) рухсатноманинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

my.gov.uz
Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalı



O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi
Davlat yo'l harakati xavfsizligi xizmati

№ 123456789012

Hujjat berilgan sanasi: _____

Amal qilish muddati: _____



RUXSATNOMA

Quyidagi avtotransport vositasining
оynalari tusini o'zgartirish uchun berildi:

Rusumič VIN kod: (kuzov raqami)	Transport vositasining davlat raqami belgisi	Transport vositasi guvohnomasining seriyasi va raqami	Oynalari bo'yicha (orqa yon oynalar, orqa va oldi yon oynalar)
Transport vositasi rusumi	davlat raqami belgisi	guvohnoma seriya va raqami	Old yon oynalari o'tkazuvchanligi 50 %
VIN kod: (kuzov raqami)			Orqa yon oynalari o'tkazuvchanligi 0 %

Izoh: O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Davlat yo'l harakati xavfsizligi xizmati tomonidan QR-kod (matrik shtrixli kod) qo'yilgan ruxsatnoma shakli

Изоҳ. QR кодда (матрик штрихли кодда) транспорт воситаси ҳақида асосий маълумотлар ва рухсатноманинг амал қилиши муддати шифрланган кўринишида бўлади, уни оғлайн режимда маҳсус дастур орқали (маҳсус қалит билан) очиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 июлдаги 465-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 191-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

12-банднинг “б” кичик бандидаги “эркин айланиши учун (импорт)” сўzlари “эркин муомалага чиқариш (импорт)” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 181-модда) 2-бандида:

а) “а” кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“а) M1, N1 ва N2 тоифага оид автотранспорт воситалари орқа ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – чекланмаган даражада, олд ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – 50 фоиздан кам бўлмаган даражада, шунингдек, M2, M3 тоифага оид III класс автотранспорт воситалари ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – 50 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) тасдиқланган давлат стандарти бўйича, шунингдек, хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан туси юқорида белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлмаган даражада ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган, эркин муомалага чиқариш (импорт) ва вактинча олиб кириш божхона режимларига расмийлаштирилган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан 1 йил муддатга бериладиган рухсатномага асосан амалга оширилади”;

б) “в” кичик банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“в) M1, N1 ва N2 тоифага оид автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга), шунингдек, хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган, эркин муомалага чиқариш (импорт) ва вактинча олиб кириш божхона режимларига расмийлаштирилган ушбу тоифадаги автотранспорт воситаларидан фойдаланишга рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари”;

в) “г” кичик банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“г) М2, М3 тоифага оид III класс автотранспорт воситалари ён ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга), шунингдек, хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган, эркин муомалага чиқариш (импорт) ва вақтинча олиб кириш божхона режимларига расмийлаштирилган ушбу тоифадаги автотранспорт воситаларидан фойдаланишга рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида белгиланади”.

